

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Ихтирочи аёллари маркази хотин-қизларни инновацион ғоялари, лойиҳалари ва ишланмаларини жорий этишларида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган «Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» II Республика танловида қатнашишга мамлакатимиз иқтидорли хотин-қизларини таклиф қилади.

«Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» II Республика танловида олима аёллар, ўқитувчи, ихтирочи, инженер, конструктор, дастурчи, шифокор, фармацевт, мутахассис, тадбиркор ва ҳунарманд хотин-қизлар ҳамда иқтидорли талаба ва ўқувчи қизлар ўз ихтиrolари, инновацион ғоя ва лойиҳалари билан иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш ниятида бўлган хотин-қизларнинг ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари томонидан 2018 йилнинг 10 октябридан 15 ноябригача қабул қилиб олинади.

Танловда ёш бўйича чеклов йўқ.

ТАНЛОВ НОМИНАЦИЯЛАРИ:

1. Энг яхши ихтиро;
2. Энг яхши фойдали модел;
3. Энг яхши саноат намунаси;
4. Энг яхши ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаси;
5. Энг самарали инновацион лойиҳа (фан ва техниканинг устувор йўналишлари бўйича);
6. Энг яхши бизнес лойиҳа;
7. Омадли старт (ўз инновацион лойиҳаси асосида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлаётган хотин-қизлар учун);
8. Ҳунарманд хотин-қизларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси;
9. Ижтимоий соҳа бўйича энг яхши инновацион лойиҳа;
10. Иқтидорли қизнинг энг истикболли инновацион ғояси.

Танловда иштирок этмоқчи бўлган инновацион лойиҳанинг муаллифи қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ўзи яшаб турган ёки фаолият юритаётган туманнинг (шаҳар) Хотин-қизлар қўмитасига тақдим этиши лозим:

- *Танловга қатнашиши ҳақидаги ариза (1.1-1.2 иловалар);*
- *Танлов иштирокчисининг ўзбек ёки рус тилларидағи объективкаси (2.1-2.2 иловалар);*
- *Муаллиф фаолият юритаётган муассасаса раҳбарининг тавсияномаси;*
- *Танловга тавсия этиладиган лойиҳа;*
- *Лойиҳа мавзуси бўйича чоп этилган илмий ишлар рўйхати;*
- *Танловга топширилаётган инновацион лойиҳа бўйича чоп этилган асосий мақолаларнинг ва Ўзбекистон Республикаси (халқаро) патентининг (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуқлари, дастурий маҳсулотлар) нусхалари илова қилинади;*
- *Инновацион лойиҳага тааллуқли бўлган сертификатлар, товар белгилари, дипломлар ва бошқа ҳужжатлар нусхалари;*
- *Лойиҳа йўналиши бўйича олим ёки етакчи мутахассислар томонидан берилган тақриз;*
- *Танлов иштирокчисининг паспорт нусхаси;*

- Танлов иштирокчисининг маълумоти (ўрта, ўрта-маҳсус ёки олий таълимни тамомлагани) тўғрисидаги ҳужжатлар;

Танловда кўргазма материаллари (буклет, видеоролик, макет, техник ишланмалари, ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг намуналари ва бошқалар) билан иштирок этган иштирокчиларнинг лойиҳалари қўшимча балларга эга бўлади;

Шунингдек, танловга қўйилган инновацион лойиҳага тегишли, турли ташкилотларда амалиётга татбиқ этилганлиги ёки татбиқ этиш режалаштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, синов экспериментлари ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатномалар, бажарилган ишлар ва қўлга киритилган ютуқлар бўйича маълумотлар ҳамда бошқа ҳужжатлар бўлса **нусхалари** топширилиши керак.

Танловда иштирок этмоқчи бўлаётган хотин-қизларнинг, инновацион лойиҳаси бўйича чоп этилган илмий ишлари ва олган патентларида ҳаммуаллифлар бўлса, интеллектуал мулк эгасидан (эгаларидан) розилик хати олишлари керак.

Ариза билан бирга топшириладиган барча ҳужжатлар қоғоз шаклда, папкага тўплangan ҳолда тақдим этилади.

Белгиланган муддатдан кечикиб топширилган ва қўйилган талабларга мос келмайдиган ҳамда бошқа ишлардан кўчирилган (плағиат) материаллар кўриб чиқилмайди.

Танловда иштирок этиш ниятида бўлган хотин-қизларнинг ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари томонидан 2018 йилнинг 10 октябридан 15 ноябригача душанба-шанба кунлари соат 9:00 дан 17:00 гача қабул қилиб олинади.

Марказий ташкилий қўмита қўйидаги манзилда фаолият юритади: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси 30, 3 қават, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси. Бофланиш учун телефонлар: +99871 244-04-58; +99893 171-70-17; +99893 517-17-42